

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ  
6 ЖИЛД, 9 СОН**

---

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ  
ТОМ 6, НОМЕР 9**

---

**JOURNAL OF LAW  
RESEARCH  
VOLUME 6, ISSUE 9**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**  
д.ю.н., проф.  
(Doctor of Law, Professor)  
**Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна**

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**  
д.ю.н., доцент  
(Doctor of Law, Associate professor)  
**Файзиев Шохруд Фармонович**

**Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет журнала Правовых исследований**  
**Editorial Board Journal of Law research**

**12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines**

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев  
ю. ф. д., проф. Аҳмедшаева Мавлюда  
ю. ф. д., проф. Муҳиддинова Фирюза  
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё  
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)  
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян  
(Республика Армения)

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right**

ю. ф. д. Гулчехра Маликова  
ю. ф. д. Хусанов Озод  
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович  
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)  
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна  
(Российская Федерация)

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law**

юримдик фанлар доктори, профессор  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист Окюлов Омонбой,  
Рузиев Рустам, Рузиназаров Шухрат,  
Шомухамедова Замира, Баратов  
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

**12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation**

юримдик фанлар доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист Эсанова Замира  
Нормуродовна, Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

**12.00.05 - Мехнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law**

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна  
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич  
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза  
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб  
(Российская Федерация)

**12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law**

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай  
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади  
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов  
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш  
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич  
(Российская Федерация)

**12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy**

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,  
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,  
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич  
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)  
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон  
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин  
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей  
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.  
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская  
Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи /  
Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право /  
Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон  
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,  
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп  
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда  
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам  
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,  
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат  
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),  
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна  
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.  
Джансараева Рима Ернатовна (Республика  
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси /  
Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal  
procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжоновна Зумратхон  
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий  
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,  
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,  
ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),  
д.ю.н., проф. Стойко Николай Генадьевич  
(Российская Федерация), Проф. Рыжаков  
Александр Петрович (Российская Федерация),  
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика  
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика  
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика  
Беларусь)

**12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law**

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,  
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,  
ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

**Мусаҳҳих:** Нурмуҳаммад Ҳамидов

**Дазайн - саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Кудрявцев Игорь Владимирович</b> ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЕРСТВА МЕЖДУ ГОСУДАРСТВАМИ.....	5
<b>2. Абдуллаева Мафтуна Мурот қизи</b> КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ТОМОНИДАН ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	16
<b>3. Исломқулова Шохсанам Ваҳобжон қизи</b> ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ФУҚАРОЛИК ВА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ФАРҚЛАРИ.....	25
<b>4. Хаджаева Саодат Анваровна</b> ЭЛЕКТРОН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	33
<b>5. Шокиров Ойбек Азизжон угли</b> ТРУДОВЫЕ СПОРЫ И ПОРЯДОК ИХ РАЗРЕШЕНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ.....	41
<b>6. Abdusamiyeva Dilrobo Abduvaxob qizi</b> POSTPENITENSIAR RESOTSIALIZATSIYA MAZMUNI VA UNING IJTIMOIIY ZARURATI.....	50
<b>7. Отегенова Луиза Жолдасбаевна</b> ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	57
<b>8. Базарова Дилдора Бахадировна</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.....	65
<b>9. Джураева Захро Тулкуновна</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-ЧИ СЕССИЯДАГИ ТАШАББУСЛАРИ.....	73
<b>10. Камиллов Ойбек Хамиджонович</b> ГЛОБАЛЬНЫЕ И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБЛАСТИ МИГРАЦИИ, ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ И ИХ ЗНАЧЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ СЕГМЕНТЕ.....	80
<b>11. Хамдамова Фируза Уразалиевна, Джураева Захро Тулкуновна</b> ВЫПОЛНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ИСКОРЕНЕНИЮ БЕДНОСТИ И НИЩЕТЫ.....	89
<b>12. Nosirov Barxayot Murodjonovich</b> ShNT – XALAQARO – HUKUMATLARARO MINTAQAVIY TASHKILOT SIFATIDA: MARKAZIY OSIYODA XAVFSIZLIKNI TA’MINLASHDAGI ROLI.....	96


# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

**Исломулова Шохсанам Ваҳобжон қизи,**  
Андижон шаҳрида хусусий нотариал  
идорасида нотариус ёрдамчиси  
E-mail: sanammusaeva2795@gmail.com

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ФУҚАРОЛИК ВА МЕХНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ФАРҚЛАРИ

**For citation:** Islomqulova Shokhsanam Vakhobjon qizi. LABOUR RELATIONSHIPS IN CIVIL LAW. DIFFERENCE BETWEEN LABOUR AND CIVIL CONTRACTS. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 9, pp.25-32

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-9-3>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқаролик ҳуқуқида меҳнат муносабатлари қандай ва қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиниши, амалиётда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тузилаётган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, шунингдек хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан меҳнат шартномаларининг фарқлари, уларни расмийлаштиришдаги хато ва чалкашликлар ҳақида сўз боради. Бундай хатоликлар, қонун бузилишларнинг олдини олиш учун аҳамият қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ва таклифлар ёритилган. Шунингдек, фуқаролик шартномасининг мазмуни, шакли, тарафлари, тарафларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шартномани бузганлик учун жавобгарлик, шартномани бекор қилиш асослари тўлиқ ёритилган бўлиб, ҳар бир жиҳат меҳнат шартномаларига нисбатан таққослаб чиқилган. Ушбу фарқлар тўғрисида рус ва инглиз олимларининг қарашлари ўрганилган ҳамда уларнинг фикрларидан иқтибослар келтирилган. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи фуқаролик шартномалари чет эл ва Ўзбекистон қонунчилиги орқали таққосланган. Фуқаролик шартномасининг афзаллик ва камчиликлари, унинг меҳнат шартномасидан фарқлари алоҳида жадвалларда таққослаш орқали тушунтириб берилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси, меҳнат шартномаси, ижрочи, буюртмачи, ходим, иш берувчи, муддатлар.

**Исломулова Шохсанам Ваҳобжон қизи,**  
Помощник нотариуса в частной  
нотариальной конторе в Андижане  
E-mail: sanammusaeva2795@gmail.com

## ТРУДОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВО. РАЗНИЦА МЕЖДУ ТРУДОВЫМИ ДОГОВОРАМИ И ГРАЖДАНСКИМИ ДОГОВОРАМИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается, как и какими нормативно-правовыми актами регулируются трудовые отношения в гражданском праве. Анализируются ошибки и недостатки в гражданско-правовых договорах, связанных с оказанием услуг на практике, а также отличия трудовых договоров от гражданско-правовых договоров и ошибки которые допускаются в их регистрации. Также подчеркиваются аспекты и предложения, которые необходимы чтобы устранить и предотвратить правонарушения. Также освещены содержание, форма, стороны договора, обязанности и права сторон, обязательства за нарушение договора, основания для расторжения договора. И каждый их этих вышеперечисленных аспектов сравнен с трудовым договором. Различия возникающие по итогам сравнения были изучены российскими и английскими учеными, и приведены их суждения по данной ситуации.

Гражданские договора регулирующие трудовые отношения рассмотрены на примере законодательства иностранных государств и Республики Узбекистан. Преимущества и недостатки гражданского договора, его отличие от трудовых договоров были объяснены путем сравнения в отдельных таблицах.

**Ключевые слова:** гражданско-правовой договор, договор возмездного оказания услуг, трудовой договор, исполнитель, заказчик, работодатель, условия договора.

**Islomqulova Shokhsanam Vakhobjon qizi,**

Assistant notary in a private  
notary office in Andijan city

E-mail: sanammusaeva2795@gmail.com

## LABOUR RELATIONSHIPS IN CIVIL LAW. DIFFERENCE BETWEEN LABOUR AND CIVIL CONTRACTS

### ANNOTATION

This article examines how and by what normative legal acts labor relations in civil law are regulated. This article analyzes errors and shortcomings in civil law contracts related to the provision of services in practice, as well as difference labor contracts and civil law contracts and errors that are allowed in their registration. The aspects and proposals that are necessary to eliminate and prevent offenses are also emphasized. The content, form, parties to the contract, obligations and rights of the parties, obligations for violation of the contract, grounds for termination of the contract are also highlighted. And each of these above-listed aspects is compared with an employment contract.

The differences arising from the comparison were studied by Russian and English scientists and their judgments on this situation were translated. Civil contracts regulating labor relations are considered on the example of the legislation of foreign states and the Republic of Uzbekistan. The advantages and disadvantages of a civil contract, its difference from employment contracts were explained by comparison in separate tables.

**Keywords:** civil law contract, fee service contract, labor contract, contractor, customer, employee, employer, terms of contract.

Меҳнат муносабатлари нафақат меҳнатга оид қонун ҳужжатлари орқали, балки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ меҳнат муносабатлари фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ҳам тартибга солинади. Кундалик ҳаётимизда муайян ишни бажариш учун ёлланиб ишлаётганларни, ҳақ эвазига таълим бераётганларни (мактабдан ташқари), муайян масалалар юзасидан ҳақ эвазига маслаҳат бераётганларни кўп учратамиз. Бундай хизматлар, уларга ҳақ тўлаш, иш вақтлари ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилган меҳнат шартномаси билан эмас, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига

белгиланган фуқаролик-хуқуқий шартнома (одатда ушбу Кодекс 703-моддасининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси)га асосан расмийлаштирилади.

Чунки фуқаролик-хуқуқий шартномалар тарафларнинг экин хоҳиш-иродасини ўзида ифода этади. Рус олимаси Кравченко Ектарина ҳам меҳнат шартномаларини тузиш меҳнат қонунчилигининг мажбурий қоидалари билан, фуқаролик шартномаси еса фуқаролик қонунчилигининг диспозитив қоидалари билан тартибга солинади, [1]-дея таъкидлайди.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг мазмунига кўра ижрочи буюртмасининг топшириғи билан **ашёвий шаклда бўлмаган** хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмаси эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Бундай турдаги шартнома қоидалари **алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига** нисбатан татбиқ этилади. Фуқаролик кодексининг 37 (пудрат), 39 (йўловчи, багаж ва юк ташиш), 40 (транспорт экспедицияси), 43 (банк омонати), 44 (банк ҳисобварағи), 45 (ҳисоб-китоблар), 46 (топширик), 48 (воситачилик), 49 (мол-мулкни ишончли бошқариш) ва 51 (омонат сақлаш)-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустаснодир.

Демак, кўриб турганимиздек, ушбу моддада тақиқланганидан бошқа хизматлар юзасидан фуқаролик-хуқуқий шартномаларни расмийлаштириш мумкин. Шу ўринда амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, масалан амалиётда кўпчилик юридик соҳа мутахассислари фуқаролик-хуқуқий шартнома тузиш орқали корхоналарга юридик хизмат кўрсатиши маълум. Бунга Фуқаролик кодексига чеклов йўқ.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат фаолиятига шартномавий-хуқуқий асосда адвокатларни жалб этиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Яъни ушбу қарор корхоналарда фуқаролик-хуқуқий шартнома асосида юридик хизмат кўрсатиш учун фақат адвокатларга имконият бермоқда. Лекин Фуқаролик кодексига кўра, ҳар қандай юридик соҳа мутахассиси бундай шартномани тузиш орқали фаолият олиб бориши мумкинлиги масаласи юқоридаги қарорда савол остида қолмоқда.

Фуқаролик-хуқуқий шартноманинг афзалликларига тўхталадиган бўлсак, фуқаролик-хуқуқий шартномага асосан, томонларнинг барча мажбуриятлари ижрочининг буюртмачига муайян хизматларни кўрсатиши ёки маълум ишларни бажаришидангина иборат булади. Ўзаро муносабатларнинг бундай шакли асосан буюртмаси учун манфаатли. Негаки, у ижрочи олдида Меҳнат кодексига назарда тутилган ҳеч қандай мажбуриятларга эга бўлмайди, хусусан касаллик варақалари, меҳнат таътиллари учун ҳақ тўламайди, шартнома бекор қилинган тақдирда иш билан таъминлаш мажбуриятини олмайди ва ҳоказо.

Бироқ баъзан ички меҳнат қоидаларига риоя қилиш бўйича мажбуриятларни олишни истамаган тараф шартнома ташаббускорига айланиши ҳам мумкин. Яъни айрим ҳолатларда меҳнатга оид тартиб-қоидалар тарафларнинг манфаатларига тўғри келмаслиги ёки ишда муддатларнинг чузилиб кетишига олиб келиши ёхуд шунга ўхшаш томонларга мақбул бўлмаган ҳолатларни вужудга келтирганда фуқаролик-хуқуқий шартнома тузиш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик-хуқуқий шартномани тузишда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим, яъни шартнома мажбурий тартибда қуйидаги шартларни ўзи ичига олиши керак:

ижрочига қўйиладиган аниқ талаблар;

кўрсатилган хизматлар учун буюртмачи томонидан ижрочига тўланиши керак бўлган сўмма;

бажарилган ишни қабул қилиш-топшириш шартлари;

томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари;

шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳолатлари ва оқибатлари.

Аксарият ҳолларда фуқаролик-хуқуқий шартномани тузиш билан юридик соҳа мутахассислари эмас, балки кадрлар бўлими мутахассислари шуғулланади, бу эса

шартноманинг мазмунида ёки атамалардан фойдаланишда хатога йўл қўйилишига олиб келади. Аввало аҳамият қаратишимиз лозимки, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома билан меҳнат шартномасининг предмети турличадир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддасида меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир,- деб таъриф берилади.

Меҳнат шартномалари ва фуқаролик шартномаларининг асосий фарқи шартнома предметиدير. Меҳнат шартномаси тузилаётганда, ходим шартномада кўрсатилган меҳнат вазифасини бажаришга мажбур бўлади, фуқаролик шартномаси бўйича ижрочи маълум хизматларни кўрсатиш ва уларнинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади. Яъни меҳнат шартномасининг предмети – бу ходимнинг меҳнат вазифасини бажариш жараёни, фуқаролик шартномаси бўйича – ижрочи хизматининг якуний натижасидир. Бундан ташқари, агар меҳнат шартномаси бўйича ходим меҳнат вазифасини шахсан бажариши шарт бўлса, ижрочи ўз мажбуриятларини бажаришга учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга. [2]

Юқорида таъкидлаганимизнинг атамаларнинг қўлланишидаги хатолар фуқаролик-ҳуқуқий шартномани меҳнат шартномаси деб топилишига олиб келиши мумкин. Масалан кўплаб корхоналарда учрайдиган атамаларни қўллашдаги хатоликларга тўхталадиган бўлсак, “хизмат кўрсатиш учун тўланадиган тўлов” ўрнига “иш ҳақи” “ижрочи” ўрнига “ходим” ёки “буюртмачи” ўрнига “иш берувчи” каби меҳнатга оид атамаларни янглиш қўллашади. Бу эса амалиётда икки турдаги шартномани фарқлаш борасида кўплаб муаммоларга сабаб бўлади.

Шунингдек, фуқаролик шартномаси ва меҳнат шартномасининг мазмунига аҳамият қаратсак, қонунчиликда меҳнат шартномаси учун зарур шартлар белгиланган бўлиб, фуқаролик шартномасида бу шартларнинг бўлиши фақат тарафларнинг келишувига асосандир.

Қуйидагилар меҳнат шартномаси (контракт)нинг зарур шартлари ҳисобланади: [3]

иш жойи — ходим ишга қабул қилинаётган корхона, муассаса, ташкилот (унинг таркибий бўлинмаси)нинг номи;

меҳнат функцияси — мазмуни лавозим йўриқномалари, малака мажбуриятлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган муайян мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича (раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг ҳамда бошқаларнинг Ягона тариф-малака маълумотномаси, Малака маълумотномаларига мувофиқ);

иш бошланадиган кун — қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, агар ишнинг бошланиши санаси қайд этилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан (сменадан) кечикмай ишга тушиши керак;

меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва бошқа шартлар. Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори томонларнинг келишувига кўра белгиланади ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши ва энг кўп миқдор билан чегараланиши мумкин эмас;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим меҳнат шартномалари (контрактлар)ни тузишда зарур шартлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Масалан, муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тузишда ишнинг бошланиши санасигина эмас, балки унинг тамом бўлиши санаси ҳам қайд этилади. Ходимни муайян ишни бажариш даврига ишга қабул қилишда ходим амалга ошириши учун қабул қилинаётган аниқ иш кўрсатилади. Ўриндошлик билан меҳнат шартномаси (контракт) тузишда қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган энг кўп муддат доирасида кундалик ишнинг аниқ муддати белгиланади.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратишимиз шарур. Фуқаролик шартномасини расмийлаштириш меҳнат шартномасини расмийлаштиришга қараганда осон бўлиб, кўп ҳужжатни ҳам талаб этмайди.

Жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартномани расмийлаштириш учун ижрочи фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) ёки уни ўрнини босувчи ҳужжат, СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) ва шахснинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамини тақдим этиши керак.

Меҳнат шартномасини расмийлаштиришда эса ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;

меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

қонунчиликка мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонунчиликда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.[4]

Шунингдек, икки турдаги шартномалар ўртасидаги фарқ улардаги муносабатларнинг мустақиллик даражасидадир. Вуюк Британиялик инглиз олими Хугҳ Коллинснинг таъкидлашича, меҳнат шартномасида ходим иш берувчига тўғридан-тўғри бўйсунди, иш вақтига, кундалик иш тартибига, раҳбарнинг талабларига бўйсундиши керак, иш берувчи эса ходимга меҳнат функцияларини бажариш учун зарур иш шароитларини яратишга мажбурдир. Фуқаролик шартномаси бўйича ижрочи ўз вазифаларини бажариш усуллари, тартиби ва вақтидан мустақилдир, у буюртмачига бўйсунмайди. [5]

Фуқаролик шартномасининг яна бир муҳим жиҳати унда шартнома шартларини бузганлик учун тарафлар жавобгар ҳисоланишади ва келтирилган зарарни тўлашга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилгандан кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Фуқаролик шартномани бекор қилиш исталган пайт тарафларнинг келишувига кўра амалга ошади [7-10]. Бунинг учун факат қуйидаги тўлов билан боғлиқ шартга амал қилиш кифоя: буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шarti билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно. [6]

Меҳнат шартномасини эса бекор қилишнинг қонунда белгиланган мажбурий шартлари мавжуд. Шартнома ходимнинг хоҳишига кўра (МК 99-модда), иш берувчининг хоҳишига кўра (МК 100-модда) ва фуқаролик шартномасидан фарқли ўлароқ тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (МК 106-модда) ҳам бекор қилиниши мумкин.

Фуқаролик шартномасининг афзалликлари ва унинг меҳнат шартномаси билан фарқларини аниқроқ тушуниш учун қуйидаги жадвалларга эътибор қаратамиз:

1-жадвал

**Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ва меҳнат шартномасининг ўзаро фарқлари**

№	Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома	Меҳнат шартномаси
1	Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади	Меҳнат кодекси билан тартибга солинади
2	Ишни бажариш учун учинчи шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин	Меҳнат шартномаси тузилган шахс ишни ўзи бажаради
3	Бажариладиган ишлар аниқ белгиланмаган, бир марталик топшириқлар ҳам бажарилиши мумкин	лавозим йуриқномаларида назарда тутилган аниқ белгиланган вазифаларни бажаради
4	Фақат шартномада назарда тутилганларга амал қилади, муайян ҳужжатга буйсунмайди	Меҳнат кодекси, меҳнатга оид бошқа қонун ҳужжатлари, ички меҳнат тартиб қоидалари ва шу кабиларга буйсунади
5	Интизомий жазога тортилмайди	Интизомий жазога тортилади
6	Иш учун тўлов шартнома шартларига мувофиқ белгиланади, тўлов шартномада белгиланган муддатларда амалга оширилади, масалан бутун бажарилган иш учун ёки ишнинг бирор босқичи тугаши билан. Тўлов миқдори ҳеч нарса билан чекланмайди	Иш ҳақи меҳнат шартномаси билан тартибга солинади, ходим қонунчиликда белгиланган ойлик иш ҳақининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ва ҳар ойда икки марта тўланадиган иш ҳақи олади
7	Иш вақти, дам олиш вақти, таътиллار аҳамиятга эга эмас	Қонунчиликда белгиланган иш вақтидан ошмаган ҳолда меҳнат қилишга, дам олишга ва таътилларга чиқишга ҳақли
8	Ҳеч қандай кафолатлар ва имтиёзлар белгиланмаган	Меҳнат кодексда назарда тутилган кафолат ва имтиёзлардан фойдаланиши мумкин
9	Зарар учун жавобгар	Зарар учун жавобгар эмас
10	Мажбурий суғурта мавжуд эмас	Мажбурий суғурта мавжуд
11	Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома куйидагилар ўртасида тузилади: жисмоний шахслар ўртасида; юридик шахслар ўртасида; жисмоний ва юридик шахслар ўртасида.	Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар
12	Шартномани бекор қилиш исталган пайт тарафларнинг келишувига кўра амалга ошади.	Шартномани бекор қилишнинг қонунда белгиланган мажбурий шартлари мавжуд

2-жадвал

**Меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг афзалликлари ва камчиликлари**

№	Афзалликлари	Камчиликлари
1	Меҳнатга ҳақ тўлаш чегараланмаган (келишувга асосан)	Айрим ҳолларда ижрочини ишга ёллаш билан ёзма шаклда шартнома тузилмасдан оғзаки шаклда қолиб кетади, бу эса амалиётда низоларнинг кўпайишига олиб келади
2	Расмийлаштириш учун кўп ҳужжат талаб этилмайди	Ижрочининг ҳуқуқлари етарлича таъминланмайди.
3	Бекор қилиш осон	Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига аҳамият қаратилмаган.

4	Ишни қандай тарзда, қайси вақтларда бажариши эмас, якуний натижа муҳим	Шартноманинг мазмуни бўйича муайян шакл, наъмуна йуқлиги сабаб амалиётда шартномани тузишда кўплаб хатоларга йул қўйилади.
---	--	--

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, фуқаролик шартномаси тузилаётганда корхоналарга фуқаролик муносабатларнинг моҳияти ва меҳнат муносабатларининг хусусиятларига синчковлик билан эътибор қаратиш тавсия етилади. Чунки жисмоний шахс билан корхона ўртасида меҳнат қонунчилигида белгиланган меҳнат муносабатлари вужудга келса-ю, лекин корхона буни фуқаролик шартномаси сифатида расмийлаштирса, ходимнинг ҳуқуқлари бузилган деб айтиш мумкин, бунда ходим меҳнат қонунчилигида назарда тутилган кафолатларини йўқотади. Шунингдек, шахс билан фуқаролик шартномаси тузилаётганда атамаларни тўғри қўлланишига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Бу билан амалиётда фуқаролик шартномасини меҳнат шартномаси сифатида қабул қилиш каби чалкашликларга барҳам берилар эди. Шу ўринда қонунчиликка куйидаги таклифни илгари сурган бўлар эдик. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарор билан “Меҳнат шартномаси (контракт)нинг намунавий шакли” тасдиқланган. Бу эса иш берувчи ва ходимларга меҳнат шартномасини тўғри тузиш учун яхши асосдир. Агар меҳнат муносабатларини тартибга соладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг ҳам тасдиқланган ягона наъмунавий шакли бўлганда эди мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Иқтибослар/Сноси/References:**

1. Kravchnko Ektarina. Conclusion of employment contracts and civil law contracts with employees 03.11.2018. p. 4. <https://lmasupport.com/en/conclusion-of-employment-contracts-and-civil-law-contracts-with-employees/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan, 19.01.2017 "On measures to radically improve the activities of the legal service" ) <https://lex.uz/docs/3098964>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига 1-илова “Ўзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар” (Appendix 1 to the resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, 11.03.1997, "Recommendations on the conclusion of the written labor contract") <https://lex.uz/docs/1251573>
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Labour Code of the Republic of Uzbekistan) <https://lex.uz/docs/142859>
5. Hugh Collins, Similarities and differences between labour contracts and civil and commercial contracts, United Kingdom. <https://taxandaccounting.eu/en/civil-contract-and-labor-contract/>
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (Civil Code of the Republic of Uzbekistan). <https://lex.uz/docs/111189>
7. Toshboeva R., Tukhtashev H. Entrepreneurship and cadastral activity in the sphere of natural resources: Problems and development prospects in the digital economy //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. S1. – С. 890-898.
8. Тухташев Хикматилла. "правовый порядок использования земель лесного фонда: национальный и зарубежный опыт" Review of law sciences, vol. 5, no. Спецвыпуск, 2020, pp. 87-93. (Tukhtashev Hikmatilla. Legal procedure for the use of forest lands: national and foreign experience. Review of law sciences, vol. 5, no. Special Issue. 2020, pp. 87-93.) doi:10.24412/2181-919X-2020-87-93

9. Egamberdiev D. Formation Of Joint Investigation Teams Between States, And Their International And National Legal Basis //Elementary Education Online. – 2021. – Т. 20. – №. 3. – С. 1480-1486.
10. Egamberdiev D. LEGAL ISSUES ABOUT FRAUD INCISION IN THE FIELD OF INSURANCE: THEORY AND PRACTICE //Norwegian Journal of Development of the International Science. – 2021. – №. 62-2. – С. 7-9.

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ  
6 ЖИЛД, 9 СОН**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ  
ТОМ 6, НОМЕР 9**

**JOURNAL OF LAW  
RESEARCH  
VOLUME 6, ISSUE 9**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000